2010 ЙИЛ 25 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 227 (11.788)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР:

# ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Қатар Давлати араб дунёсида жадал ривожланаётган, нафақат ўз минтақаси, балки бутун жаҳонда салмоқли нуфузга эга мамлакатлардандир. Унинг йирик сиёсий анжуманларга, спорт мусобақаларига мезбонлик қилиши бунга мисолдир. Қатар илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, илм-фанни ривожлантириш, сармоявий фаолият соҳаларида ҳам араб мамлакатлари орасида етакчилик қилади.

Ўзбекистон ва Қатар халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муштарак интилишлари икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиёт глобаллашиб, жаҳон бозорларида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда энергия манбаларига, замонавий технологияларга, транспорт коммуникациялари тармоқларини янада ривожлантиришга талаб тобора ошмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Қатарнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилаётганини англатади. Шу жиҳатдан Президент Ислом Каримовнинг Қатарга ташрифи ўз вақтида амалга оширилган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди.

24 ноябрь куни Қатар Давлати Амирининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қатарнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Қатар Амири фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг музокарасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, жумладан, транспорт коммуникациялари соҳасидаги, шунингдек, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қатар ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини, айниқса транспорт коммуникациялари, нефть-газ, кимё саноати, қурилиш, савдо, сайёҳлик, юқори технологиялар каби соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ бўлишини таъкидлади. Айни пайтда давлатимиз раҳбари ушбу ташриф Ўзбекистоннинг Форс кўрфази ва бутун араб дунёси билан муносабатларини ривожлантиришда ҳам долзарб аҳамият касб этишини қайд этди.

Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний Қатарда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар диққат билан кузатиб борилаётганини таъкидлади. Қатар ишбилармон доиралари ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билдираётганини қайд этди. Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган сиёсатига юксак баҳо берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Қатар БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида Ўзбекистон билан Қатар ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Қатар табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, экспорт таркибида тайёр маҳсулот улушини ошириш, умуман, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш борасида тажриба алмашиш, энергетика, кимё саноати, транспорт коммуникациялари, қурилиш, сайёҳлик, юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдалидир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини шакллантириш борасидаги ташаббусини ҳаётга жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Яқинда Теҳронда Ўзбекистон, Эрон, Уммон ва Туркманистон вакилларининг кенгаши ўтказилиб, унда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Туркманистонни Эроннинг жанубий бандаргоҳлари билан темир йўл орқали боғлаш Форс ва Уммон кўрфазлари билан бутун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ғоят муҳим алоқа тармоғини яратиш имконини беради. Юклар, жумладан, транзит юклар ташувига автомобиль ва денгиз транспорти ҳам жалб этилса, савдо ҳажми янада ортади. Қатарнинг бу жараёнда иштирок этиши минтақада сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Катта сармоявий салоҳиятга эга бўлган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш, жумладан, мазкур транспорт тармоғини ривожлантириш учун асос вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон ва Қатар нефть ва газни қайта ишлаш, савдо, қурилиш, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик учун улкан салоҳиятга эга. Хусусан, нефть-газ ва тўқимачилик саноатида хомашё ва тайёр маҳсулот нархи ўртасида катта фарқ бўлади. Қўшма корхоналар тузиш бу йўналишларда икки томонлама манфаатли алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Қатар қурилиш соҳасида ҳам бой тажриба орттирган. Шу маънода қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси истиқболли саналади.

Томонлар яқинда Қатар пойтахтида ўтган икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми натижаларини юксак баҳоладилар. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган эди. Бундай тадбирлар икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти билан атрофлича танишиш ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш учун қулай имконият яратади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида гуманитар ҳамкорлик, жумладан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, спорт ва маданият каби соҳалардаги алоқаларга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Яқинда Қатарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби араб тилида нашр этилиб, Доҳа университетида унинг тақдимоти бўлди. Бу Қатарда Ўзбекистон раҳбарига, ўзбек халқига ва унинг маънавий қадриятларига, Мовароуннаҳрнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларига юксак ҳурмат-эҳтиромдан яна бир ёрқин далолатдир. Бу эса икки мамлакат ўртасида гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакатни бир-бирига яқинлаштирадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун Ўзбекистон ва Қатар дунёдаги иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган беш мамлакат сирасига киради. Икки мамлакат ҳам экспортда хомашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Музокара якунида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлатининг Қўшма баёноти, Савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан «Қатар холдинг» сармоявий компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан «Қатар Петролиум Интернэшнл лимитед» компанияси ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон ва Қатар савдо-саноат палаталари ўртасида Тадбиркорлар қўшма кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим шулар жумласидандир. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Қатарнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги учун мустаҳкам асос яратади.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари ислом санъати музейига ташриф буюрди. Бу ерда Марказий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларидан, Ҳиндистон, Испания ва кўплаб бошқа давлатлардан келтирилган қадимий артефактлар, манускриптлар, қурол-аслаҳа намуналари, амалий санъат ва халқ ҳунармандлиги буюмлари намойиш этилади. Музейдаги қимматли тарихий материаллар орасида Темурийлар даврига оид экспозицияга алоҳида ўрин ажратилган. Мамлакатимиз раҳбари ушбу музей Қатарда ислом цивилизацияси қадриятлари алоҳида эъзозланишидан далолат эканини таъкидлади. Музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Президент Ислом Каримов Доҳа марказидаги «Таълим шаҳарчаси» – замонавий илм-фан ва таълим мажмуасига ҳам ташриф буюрди. Бир неча университет ва илмий марказларни ўз ичига олган бу мажмуа юз гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, бу ерда дунёдаги кўплаб йирик университетларнинг филиаллари жойлашган. Улар орасида Жоржтаун ва Виржиния университетларининг (АҚШ) филиаллари ҳам бор. «Таълим шаҳарчаси» нафақат Қатар, балки бутун Форс кўрфази минтақасининг энг нуфузли илм-фан ва таълим маркази сифатида эътироф этилган.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қатар Давлатига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф икки мамлакат муносабатлари тарихидаги олий даражадаги илк учрашув бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ва улкан имкониятлар яратди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент – Доҳа – Тошкент.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** шаҳар ҳокимлиги ва Савдо-саноат палатаси шаҳар бошқармаси томонидан назорат қилувчи органлар вакиллари ва тадбиркорлар иштирокида иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида болалар ўртасида у-шу, стол тенниси бўйича мусобақалар уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида жисмоний имконияти чекланганларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматда замонавий технологияларнинг ролига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Тошкентда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури, Глобал экологик жамғарманинг Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларида таназзулга учраган ерларда экотизим барқарорлигини таъминлашга оид лойиҳаси доирасида чўл-яйлов чорвачилигини ривожлантиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**
- **Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВда ёритиш мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**
- **Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқа драма театрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — ягона Ватан!» дўстлик фестивали ҳамда «Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**
- **Андижон вилояти Балиқчи туманида 6 километр масофага қувурлар тортилиб, Яккатол, Гўравон, Балиқчи қишлоқлари аҳолиси газ билан таъминланди. 110 миллион сўм сарфланган ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан 400 та хонадонга «зангори олов» кириб борди.**
- **Денов шаҳрида «Деновим эркатойлари» нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда болажонлар қисқа фурсатларда рус ва инглиз тилларини ўрганиши мумкин бўлиб, машғулот хоналарида 14 нафар ширинсухан ва тажрибали мураббий болажонларга таълим-тарбия бермоқда.**
- **Қарши шаҳрида «Биз — битта ўлка фарзандларимиз» шиори остида дўстлик фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда рус, туркман, татар-бошқирд ва корейс миллий маданият марказлари қошида ташкил этилган бадиий-этнографик ансамбллар иштирокида концерт уюштирилди.**
- **Навоий шаҳридаги Умид қўрғонида икки гектар майдонни эгаллаган янги стадион фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёшлар мини футбол, волейбол, баскетбол ва қўл тўпи билан шуғулланиш имконига эга.**

### ЖАҲОНДА

- **Россия ва Европа Иттифоқи ўртасида Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига кириши йўлидаги барча тушунмовчиликларга барҳам берилганлиги маълум қилинди.**
- **БМТ Кот д' Ивуарга осойишталикни сақлаш учун яна 500 нафар тинчликпарвар кучларини юборди.**
- **Украина Президенти В.Янукович Киев шаҳридаги барча туманлар маъмурияти раҳбарларини ишдан озод қилди.**
- **Кеча Лондонда талабалар шартнома тўловининг уч баравар оширилишига қарши намойишга чиққан кўп минг сонли талабалар ва полиция ўртасида тўқнашув рўй берди. Тўқнашув натижасида 13 киши жабрланди.**
- **Испания ҳуқуқ-тартибот идоралари мис ўғирлаш билан шуғулланиб келаётган йирик жиноий тўда аъзоларини қўлга олиш бўйича махсус амалиёт ўтказди. 250 нафар қонун ҳимоячилари жалб этилган мазкур операция чоғида 36 нафар жиноятчи ушланиб, улардан 100 тоннадан ортиқ қимматбаҳо рангли металл далилий ашё сифатида олиб қўйилди.**
- **НАТО Бош котиби ва Афғонистон Президенти Лиссабон шаҳрида НАТО ҳамда Афғонистон ўртасидаги узоқ муддатли шериклик шартномасини имзоладилар. Унга кўра келгуси йилнинг бошидан Афғонистондаги хавфсизлик учун масъулият маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларига топширила бошланади ва бу жараён 2014 йилнинг охирига қадар давом этади.**
- **Кеча Янги Зеландиядаги фалокат содир бўлган «Пайк Ривер» конида иккинчи портлаш юз берди. Мамлакат полицияси биринчи портлашдан сўнг ер остида қолиб кетган 29 кончининг тириклигига умид йўқлигини маълум қилди.**
- **АҚШнинг Висконсин штатида яшовчи Крис Стивенс дунёдаги энг катта қовоқни етиштирди. Унинг вазни 820 килограммдан ортиқ бўлиб, бўйи беш метрни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич Гиннесснинг Рекордлар китоби мутахассислари томонидан рўйхатга олинди ва жаҳон рекорди сифатида эътироф этилди.**

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлди. Маърузада юртимизда кечаётган серқирра жараёнлар катта интеллектуал куч билан чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинди, мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўлга ва демократик жамият ҳамда бозор иқтисодиётини барпо этиш соҳасидаги ютуқларга баҳо берилди. Шу билан бир қаторда давлатимиз раҳбарининг маърузасида ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясини изчиллик билан амалга оширишнинг янги марралари белгилаб берилди.**

Сенаторларнинг, барча даражалардаги депутатлар корпусининг ғоят муҳим вазифаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маърузасида баён этилган қоида ва хулосаларни кенг жамоатчиликка, Ватанимизда яшайдиган ҳар бир инсон эътиборига етказишдан иборатдир.

Мана шу масъулиятли вазифанинг тўлақонли бажарилиши кўп жиҳатдан вакиллик ҳокимияти органларининг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилишига, парламент ишида очиқлик ва ошкоралик таъминланишига ҳам боғлиқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда ўтказилган семинар-тренингда сўз юритилди.

Семинар-тренинг қатнашчилари олдида замонавий оммавий ахборот воситалари соҳасидаги етакчи мутахассислар, мамлакатнинг таниқли журналистлари сўзга чиқишди. Жонли, интерфаол усулда ўтган машғулотларда замонавий ахборот технологияларини эгаллаш, оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари орқали тушунтириш ишларини олиб боришнинг анъанавий шакл ва усулларидан фойдаланиш самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Чиқишларда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва институциявий шарт-шароитлар яратилганлиги қайд этилди. Ўтган 10 йил мобайнида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баравар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баравар кўпайиб, уларнинг умумий миқдори 1200 тага етди. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар 6 миллион нафардан ошди.

Семинар-тренинг қатнашчилари Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг моҳияти ва мазмунини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига етказиш учун парламент аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари яратиб берилган кенг имкониятлардан фаол ва мунтазам равишда фойдаланишлари кераклигига эътиборни қаратдилар. Семинар-тренингда оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти жамоатчилик ҳамда парламент томонидан назорат қилинишини таъминлашнинг ғоят муҳим ресурси эканлиги ҳам таъкидланди.

Семинар-тренинг ишида сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари соҳалар бўйича доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, жамоат бирлашмаларининг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, унда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.**

# МАҚСАД – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари томонидан суд органлари ходимлари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш, инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Фуқаролар манфаатларига хизмат қилаётган бундай ўзгаришлар Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда чуқур таҳлил этилган. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ушбу устувор вазифалар моҳият-эътибори билан суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга, қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга, қисқача айтганда, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири – қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат. Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифалардандир.

Тадбирда, деб хабар беради ЎзА, бу борада суд органлари олдида турган вазифалар, соҳани янада такомиллаштириш борасида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар хусусида фикрлашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М.Ражабова сўзга чиқди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

**Кеча Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Тайланд ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, савдо-саноат, сармоя, фан-таълим, сайёҳлик, божхона, озиқ-овқат, машинасозлик ва фармацевтика соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Н.Нажимов Ўзбекистон билан Тайланд ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўплаб жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, тўқимачилик, маданият, фан-таълим, спорт ва сайёҳлик каби соҳаларда ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни кўплаб давлатлар қатори Тайланд ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора кучайтираётир.

Ўзбекистон билан Тайланд ўртасида икки томонлама соликдан қочиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялашга, ҳаво алоқасига оид битимлар амал қилмоқда. Икки мамлакат савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Мамлакатимизда тайландлик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар асосан ипакчилик ва озиқ-овқат саноати соҳасига ихтисослаштирилган.

Мажлисда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда ўз вақтида амалга оширилган инқирозга қарши чоралар боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани қайд этилди. Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, соғлиқни сақлаш, савдо, ёқилғи-энергетика, таълим, божхона каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

– Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда, – деди ЎзА мухбирига Тайланд Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги доимий котибининг ўринбосари Апичарт Чинванно. – Ташриф асносида мамлакатингиз барча соҳаларда жадал тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Ишбилармонлар шунингдек Ўзбекистон ва Тайланднинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказдилар.

**Нодира МАНЗУРОВА**

# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**«Ўзстандарт» агентлигида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишда стандартлаштиришнинг ролига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари «Ўзстандарт» агентлигининг ихтисослаштирилган лабораториялари, хусусан, замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўнта лаборатория фаолияти билан танишдилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари, косметика ва гигиена воситалари, шунингдек, спиртли ичимликларни текширувдан ўтказадиган кимёвий-биологик лаборатория иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

ЎзА хабар беришича, «Ўзстандарт» агентлиги директорининг ўринбосари Азиз Йўлдошев мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларга мажбурий талаблар қўйишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда стандартлаштириш ишларини бажариш ҳамда стандартларнинг мажбурий талабларига риоя қилиш устидан давлат назорати механизмини жорий қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қабул қилинган мазкур ҳужжатга мувофиқ, хавфсизлик талаблари, маркировка ва назорат қилиш услублари бирлиги, стандартлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш учун белгиланадиган талабларга риоя қилиниши шарт.

Мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка биноан Давлат стандартлаштириш тизими ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилмоқда. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бу борада самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан мажлисда қонунлар ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу соҳада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш мақсадида барча жабҳаларда техник қўмиталарни ташкил этиш, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стандартлаштириш соҳасида эришилган салмоқли ютуқлар, ҳуқуқий асослар, шунингдек, бу борада бажарилган амалий ишлар тўғрисида маърузалар тингланди.

Стандартлаштириш соҳасида эришилган ижобий ютуқларни муҳокама этиш билан бирга бу борадаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган айрим қоидаларни амалга оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам қайд этилди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**



Жамоат ташкилотларида

# ИНСОНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИ

**Республика рассомлик коллежида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг 85 йиллигига бағишланган кўргазмали анжуман бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбир жамиятнинг шаҳар кенгаши чора-тадбирлари доирасида Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Айтиб ўтиш жоизки, Қизил Ярим Ой жамияти инсонпарварлик, холислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, яголик ва умумийликка асосланган етти тамойилга амал қилган ҳолда ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашиб келади. Тадбирда меҳр-шафқат йўналишида якка-ёлғиз, жисмоний имконияти чекланганлар, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Анжуман доирасида коллежнинг тарихий либослар бўлими томонидан кўргазмали чиқишлар ва жамият фаолиятига бағишланган расмлар кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди. Фаол иштирокчилар, шунингдек узоқ йиллар давомида жамият тасарруфида кўнгилли сифатида фаолият юритиб келаётганлар фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Иқтисодиёт

# ЧИННИЛАР ЖИЛОСИ

**Бири биридан кўркам ва сержило чинни маҳсулотлари фақатгина хонадонларимизга безак бўлиб қолмай, рўзғоримиздаги хизмати билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.**

«Simax F+Z» масъулияти чекланган жамиятида кенг турдаги чинни маҳсулотлари тайёрланади. 2008 йилдан буён фаолият юритаётган бу корхонада маҳсулот харидорга манзур бўлиши йўлида доимо изланишлар олиб борилади. Бунинг учун, албатта, сифатли хом ашё, илғор техника ва технологияларидан унумли фойдаланилади.

Корхона чиннисозлари томонидан бугунги кунда 50 хилдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Улар орасида ўзгача жилога эга бўлган тўпламлар, чойнак, пиёла, лаган ва бошқа рўзғор ашёлари бор. Рассом-дизайнерлар ҳар бир чиннига жило беришда ижодий изланади, харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олади.

Ички бозорда харидорини топаётган корхона чинни тўпламларини хорижга ҳам сотиш режаланган бўлиб, бунинг учун янги технологик линиялар ўрнатишга саъй-ҳаракат бошланган.

Бевосита ёшлар учун қўшимча 40 та иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Маҳсулот турлари эса йил охиригача 150 тага етказилиб, уч миллион донадан ортиқ чинни тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

# ЁШ ҲУНАРМАНД

**Бугунги кунда ёшларимиз орасида миллий ҳунармандчилик йўналишларига қизиқиш ортиб бормоқда.**

Айниқса «Уста-шогирд» мактабини ривожлантириш, ҳунар сирларидан воқиф қилиб, иқтидорини намоён қилишга кўмаклашиш натижасида ёшларимиз ҳам малака орттириб, моҳирлик чўққиларини забт этмоқда.

Ҳунари гўзаллардан саналган Мухлиса Қодирова ҳам ёш бўлишига қарамай, устозлардан сабоқ олиб, айни пайтда ўзи мустақил фаолият юритмоқда. Мухлиса халқ амалий ҳунармандчилигининг ўзига хос йўналиши бўлган миллий ўйинчоқлар, зардўзлик билан шуғулланади.

— Болалигимдан бу ҳунарни эгаллашга ҳаракат қилдим. Дарсдан бўш пайтларимда тўгаракларга қатнаб, ҳунар сир-асрорларини ўргандим, —дейди Мухлиса Қодирова. — Бир неча йилдан буён мустақил равишда миллий ва юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаяпман. 15 нафар шогирдим ҳам бор. Уларга ўйинчоқ ясатиш, зардўзлик, рангли иплардан гуллар ясаш, мунчоқлар билан кийимларни безаш, қуроқ тикишни ўргатяпман.

Мухлисанинг ҳунармандчилик буюмларига кўплаб буюртма тушмоқда. Моҳир ҳунармандлар қаторидан ўрин эгаллаш баробарида Мухлиса Қодирова шогирдлар сафини янада кенгайтириш, шунингдек хотин-қизлар учун касаначи иш ўринлари яратишни ният қилган.

Миллий қўғирчоғу ўйинчоқлар турларини кўпайтириб, болажонларимизга шодлик улашиш, гўдаклигидан уларда қадриятларимизга муҳаббат уйғотиш Мухлисанинг эзгу мақсадлари сирасидандир.

# ЛИЗИНГ АСОСИДА

**Лизинг асосида олинаётган замонавий ускуналар кичик ва хусусий бизнес субъектларига ҳақиқий мадад бўлиб, фаолияти ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

«Оригинал Гранд Пласт» масъулияти чекланган жамияти илк фаолиятини беш нафар ишчи билан бошлаган эди. Қилинган саъй-ҳаракатлар боис айни пайтда уларнинг сафи бир неча баробарга ортди. Эндиликда корхонада 26 нафар малакали мутахассис жамланган бўлиб, 20 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, лизинг асосида олинган юқори технологик ускуналар кўмагида корхонада полиэтилен плёнка, қоп ва пакетлар ишлаб чиқарилади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми беш-олти баробарга ошган бўлиб, бир нечта янги маҳсулот турлари ҳам тайёрланди.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

